

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAẖKAMACИHИHГ
ҚAPOPИ**

**ЖAẖОН BАНKИ ИШTИPOKИДA «ЎЗБЕKИСТОНДА БОЗOP ИCЛOẖOTЛAPИHИ
ҚЎЛЛAБ-ҚУBВATЛAШ» ЛOЙИẖACИHИ AМАЛГA OШИPИШГA ДOИP
ҚЎШИМЧA ЧOPA-TAДБИPЛAP TЎҒPИСИДA**

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва глобал инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш, макроиқтисодий барқарорликни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда худудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4521-сон қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ХТТБ) вакиллари ўртасида 2020 йилнинг 15 апрелида лойиҳа доирасида қўшимча 200,0 млн АҚШ доллари миқдорида, 5 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, сўндириш муддати 30 йил бўлган қўшимча қарзни Ўзбекистон Республикасига тақдим этиш бўйича музокаралар ўтказилганлиги ва қарз битими музокаралари баёни имзоланганлиги;

лойиҳа доирасида ХТТБ томонидан ажратиладиган қўшимча қарз коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва глобал инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига лойиҳа доирасида Жаҳон банки Директорлар Кенгаши томонидан лойиҳани қўшимча молиялаштириш бўйича розилик берилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси ва ХТТБ ўртасидаги лойиҳани қўшимча молиялаштириш юзасидан қарз битимини Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш ваколати берилсин.

3. Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қўшимча қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашнинг прогноз жадвали **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига лойиҳанинг амалга оширилишини умумий мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ томонидан ажратилаётган қўшимча қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лойиҳани амалга ошириш агентлари ҳисобланади;

ХТТБ томонидан ажратиладиган қўшимча қарзни сўндириш, шунингдек қарз бўйича ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи ва бошқа харажатларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 апрель,
263-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 апрелдаги 263-сон қарорига
ИЛОВА

**Жаҳон банки нширокида «Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш»
лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
томонидан ажратиладиган қўшимча қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоизлар ва
воситачилик ҳақини тўлашнинг**

ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

Қарз суммаси	200	млн АҚШ доллари
Қарз муддати	30	йил
Имтиёзли давр	5	йил
Фоиз ставкаси	6	ойлик LIBOR + 0,88 фоиз (ўзгарувчан спред)*
Мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи	0,25	фоиз
Бошланғич бир марталик тўлов	0,25	фоиз

Долл.

Тўлов даври	Қарз суммаси	Тўлов суммаси				Тўланиши лозим бўлган умумий сумма
		асосий қарз	фоизлар*	бир марталик тўлов**	мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи	
30.04.2020	500 000					
10.05.2020	200 000 000					
15.06.2020	200 000 000		720 500	500 000	13 854	1 234 354
15.12.2020	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.06.2021	200 000 000		3 640 000			3 640 000
15.12.2021	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.06.2022	200 000 000		3 640 000			3 640 000
15.12.2022	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.06.2023	200 000 000		3 640 000			3 640 000
15.12.2023	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.06.2024	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.12.2024	200 000 000		3 660 000			3 660 000
15.06.2025	196 000 000	4 000 000	3 640 000			7 640 000

15.12.2025	192 000 000	4 000 000	3 586 800			7 586 800
15.06.2026	188 000 000	4 000 000	3 494 400			7 494 400
15.12.2026	184 000 000	4 000 000	3 440 400			7 440 400
15.06.2027	180 000 000	4 000 000	3 348 800			7 348 800
15.12.2027	176 000 000	4 000 000	3 294 000			7 294 000
15.06.2028	172 000 000	4 000 000	3 220 800			7 220 800
15.12.2028	168 000 000	4 000 000	3 147 600			7 147 600
15.06.2029	164 000 000	4 000 000	3 057 600			7 057 600
15.12.2029	160 000 000	4 000 000	3 001 200			7 001 200
15.06.2030	156 000 000	4 000 000	2 912 000			6 912 000
15.12.2030	152 000 000	4 000 000	2 854 800			6 854 800
15.06.2031	148 000 000	4 000 000	2 766 400			6 766 400
15.12.2031	144 000 000	4 000 000	2 708 400			6 708 400
15.06.2032	140 000 000	4 000 000	2 635 200			6 635 200
15.12.2032	136 000 000	4 000 000	2 562 000			6 562 000
15.06.2033	132 000 000	4 000 000	2 475 200			6 475 200
15.12.2033	128 000 000	4 000 000	2 415 600			6 415 600
15.06.2034	124 000 000	4 000 000	2 329 600			6 329 600
15.12.2034	120 000 000	4 000 000	2 269 200			6 269 200
15.06.2035	116 000 000	4 000 000	2 184 000			6 184 000
15.12.2035	112 000 000	4 000 000	2 122 800			6 122 800
15.06.2036	108 000 000	4 000 000	2 049 600			6 049 600
15.12.2036	104 000 000	4 000 000	1 976 400			5 976 400
15.06.2037	100 000 000	4 000 000	1 892 800			5 892 800
15.12.2037	96 000 000	4 000 000	1 830 000			5 830 000
15.06.2038	92 000 000	4 000 000	1 747 200			5 747 200

15.12.2038	88 000 000	4 000 000	1 683 600			5 683 600
15.06.2039	84 000 000	4 000 000	1 601 600			5 601 600
15.12.2039	80 000 000	4 000 000	1 537 200			5 537 200
15.06.2040	76 000 000	4 000 000	1 464 000			5 464 000
15.12.2040	72 000 000	4 000 000	1 390 800			5 390 800
15.06.2041	68 000 000	4 000 000	1 310 400			5 310 400
15.12.2041	64 000 000	4 000 000	1 244 400			5 244 400
15.06.2042	60 000 000	4 000 000	1 164 800			5 164 800
15.12.2042	56 000 000	4 000 000	1 098 000			5 098 000
15.06.2043	52 000 000	4 000 000	1 019 200			5 019 200
15.12.2043	48 000 000	4 000 000	951 600			4 951 600
15.06.2044	44 000 000	4 000 000	878 400			4 878 400
15.12.2044	40 000 000	4 000 000	805 200			4 805 200
15.06.2045	36 000 000	4 000 000	728 000			4 728 000
15.12.2045	32 000 000	4 000 000	658 800			4 658 800
15.06.2046	28 000 000	4 000 000	582 400			4 582 400
15.12.2046	24 000 000	4 000 000	512 400			4 512 400
15.06.2047	20 000 000	4 000 000	436 800			4 436 800
15.12.2047	16 000 000	4 000 000	366 000			4 366 000
15.06.2048	12 000 000	4 000 000	292 800			4 292 800
15.12.2048	8 000 000	4 000 000	219 600			4 219 600
15.06.2049	4 000 000	4 000 000	145 600			4 145 600
15.12.2049	0	4 000 000	73 200			4 073 200
Жами		200 000 000	126 728 100	500 000	13 854	327 241 954

* Фоизларни ҳисоблаб чиқишда LIBORнинг ўртача қиймати Bloomberg маълумотларига асосланган бўлиб, келгуси 30 йилда LIBOR энг юқори кўрсаткичи 2035 йилда 2,3 фоизни, охириги бир йил оралиғида эса 2,8 фоизни ташкил этганлигини ҳисобга олиб, LIBOR ставкаси 2,8 фоизда олинди. Ўзгарувчан спред 0,88 фоиз билан, мазкур қарзнинг фоизлар бўйича йиллик фоиз ставкаси 3,6 фоизга тенг деб ҳисобланди.

** Бир марталик тўлов қарз суммаси ҳисобидан тўланади.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 09/20/263/0522-сон)